# ТУРКИСТОН

*Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!*

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1996 йил 10 июль. Чоршанба. № 46 (14344)


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### 1996/97 ЎҚУВ ЙИЛИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

***Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, олий маълумот олишда қобилиятли ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва абитуриентларни сифатли танлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси***

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. 1996/97 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида ўқитиш учун 23 минг давлат грантлари белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларига қабул қилишни ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун давлат комиссияси таркиби тасдиқлансин.

3. Олий ўқув юртларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар, давлат тест маркази:

абитуриентларни, тест натижасида тўпланган балларни ҳисобга олган ҳолда, рейтинг тизими бўйича қабул қилишни ташкил этсинлар;

ўзларига қарашли олий ўқув юртларида ўқитиш шакллари ва тилларига кўра таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича грантларнинг тақсимланишини бир ҳафта муддатда давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритсинлар.

Грантларни тақсимлашда қуйидаги мутахассисликларнинг устиворлиги таъминлансин: менежмент, маркетинг, молия ва кредит, банк иши, солиқлар ва солиқ солиш, суғурта иши, иқтисодиётда ахборот тизимлари, халқаро иқтисодий муносабатлар, кон иши, нефть-газ иши, автомобилсозлик, педагогика, юриспруденция, халқаро ҳуқуқ, чет тиллар.

4. Белгилаб қўйилсинки, жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида 1996/97 ўқув йилининг биринчи курсларидан бошлаб ўқитиш учун барча ўқув харажатларининг 50 фоизи миқдорида тўлов жорий этилсин.

5. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг, олий ўқув юртларига эга бўлган вазирликлар ва идораларнинг ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, Молия вазирлиги билан келишган ҳолда ўқитишнинг кундузги шакли бўйича бир ўқитувчи ҳисобига талабалар сони нисбати нормативлари чегарасини таълим йўналишлари, мутахассислик ва олий ўқув юртининг хусусиятларига қараб 1:9 гача кўпайтириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўқитувчилар ва талабалар нисбати нормативларининг ўзгаришидан қатъи назар, олий ўқув юртлари иш ҳақи фондининг ҳозирги миқдори, унинг бўшаб қолган қисмини олий ўқув юртларининг юқори малакали ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш учун йўналтирган ҳолда, сақлаб қолинсин.

Бўш қолаётган ўқитувчилардан олий ўқув юртлари ҳузурида ташкил этиладиган коллежларда, гимназияларда, мактабларда, лицейларда, шунингдек, умумтаълим муассасаларида фойдаланиш тавсия этилсин.

6. Олий ўқув юртларининг ректорларига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан профессор-ўқитувчиларга юқори малакаси учун бир окладгача миқдорда табақалаштирилган ҳар ойлик устама белгилашига рухсат берилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Молия вазирлиги ҳамда Меҳнат вазирлиги билан биргаликда олий ўқув юртлари ходимларини моддий рағбатлантиришнинг асосий мезонлари тўғрисида низомни икки ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Давлат комиссиясига қуйидагиларга рухсат этилсин:

олий ўқув юртларига грантлар умумий сонининг 20 фоизи доирасида, улардан 10 фоизгачасини Тошкент шаҳри олий ўқув юртларига, шу жумладан, нул курсларга, устувор ва танқис мутахассисликлар бўйича, пулли-контракт асосида, юридик ва жисмоний шахсларнинг буюртманомаларига мувофиқ, абитуриентларнинг ушбу тоифаси ўртасидаги тест натижаларидан келиб чиқиб, улар томонидан ўқитишнинг тўлиқ қийматини қоплаган ҳолда, қўшимча равишда қабул қилишни амалга ошириш;

олий ўқув юртларига аниқ мутахассисликлар ва таълим йўналишлари бўйича пулли-контракт асосида қабул қилиш кўрсаткичларини юридик ва жисмоний шахсларнинг буюртманомаларини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқиш ва уларга тегишли ўзгартиришлар киритиш;

Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларига талабалар қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисида низомга зарур ўзгартиришлар киритиш.

8. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда ўқитиш ва мутахассислар тайёрлаш ҳақи миқдорини, шунингдек, тушган маблағларни олий ўқув юртларида сарфлаш тартибини кўрсатган ҳолда, ўқитишнинг пулли-контракт шакли тўғрисида низомни ишлаб чиқсин ва 1996 йил 25 июлгача Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун тақдим этсин.

9. Олий ва ўрта мактабни интеграциялашни чуқурлаштириш, ўқув жараёнини такомиллаштириш, янги турдаги таълим муассасаларини ташкил этиш учун 1996/97 ўқув йилидан бошлаб олий ўқув юртларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар Халқ таълими вазирлиги ва маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда фаолият кўрсатаётган мактаблар негизида ҳаммуассислик ҳуқуқлари билан ҳар бир олий ўқув юрти ҳузурида, уларда ўқитишнинг юқори савияда бўлишини таъминлаган ҳолда, учтадан қўшма умумтаълим мактаблари (1 та бизнес мактаби, 1 та ихтисослаштирилган лицей, 1 та гимназия) ташкил этсинлар.

10. Олий ўқув юртларнинг ўқитишнинг пулли-контракт шакли бўйича кадрлар тайёрлашдан тушган маблағлари, улардан моддий-техникавий базани мустаҳкамлаш, ўқув жараёнини ўқитишнинг янги воситалари билан таъминлаш, олий ўқув юртлари ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиш ва моддий рағбатлантириш учун мақсадли фойдаланилган тақдирда, солиқларнинг барча турларидан 5 йил муддатга озод қилинсин.

11. Молия вазирлиги 1996/97 ўқув йили учун белгиланган грантларни ҳисобга олган ҳолда бюджетнинг дастлабки прогноз кўрсаткичларига тузатишлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари С. С. Саидқосимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1996 йил 5 июль.

*Нуқтаи назар*

## ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ГЎЁ БИР КЕМА

### Унинг дарғаси ёрқин келажакка етаклашига ишонамиз

***«Туркистон» мухбири «УзДЭУавто»дан хабар беради***

***Президентимизнинг Италия ва Америкага ташрифи ниҳоясига етган кунларда Марказий Осиёдаги ягона - Асакадаги «ЎзДЭУавто» заводида бўлдик. Бу ерда меҳнат қилаётган ёшлар билан учрашдик. Уларнинг ишлари билан танишиб, замонамизнинг муҳим воқеаси - юртбошимизнинг Италия ва Америкага ташрифи тўғрисидаги фикрлари билан қизиқдик.***

—Давлатимиз бошлиғининг ҳар бир сафари самарали бўлаётганидан беҳад қувонмоқдамиз, - дейди пресслаш цехи менеджери Ҳасан ҚОСИМОВ. — Чет эл давлат раҳбарлари, ишбилармонлари билан бўлаётган мулоқотлар, имзоланаётган ҳужжатлар мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Автомобиль саноатининг ривожлантирилиши ўз навбатида халқ хўжалигининг бошқа бир қанча тармоқларини ҳам юксалтиришни талаб этади. Айтайлик, ДЭУ автомобиллари тоза ёнилғида юради. Демак, бу соҳани ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини янада яхшилаш керак. Президентимиз Америкада ёнилғи-энергетика саноатини юксалтириш масалалари юзасидан ишбилармонлар билан музокаралар олиб борди. Америкада Ўзбекистоннинг нефть-газ ва кон соҳаларидаги улкан салоҳиятининг таништирилиши хорижий бизнесменларда Ўзбекистон ҳақида ҳаққоний тасаввур уйғотди.

Шу боис ҳам Теннисси штатидаги учрашувларда Ўзбекистон давлат автомобилларини сиқилган газда ишлашга мослаштирадиган «Газмоторс» қўшма корхонасини, мамлакатимиз ҳудудида 400 га яқин газ қуйиш станциялари тармоғини ярататиган «Газкомпрессор» қўшма корхонасини тузиш ҳақидаги ҳужжатлар имзоланди. Шу икки лойиҳанинг амалга оширилиши учун иқтисодиётимизга 102 миллион доллар сармоя киритиладиган бўлди. Бу албатта ўзимизда бор ёнилғи -энергетика ресурсларидан унумли фойдаланиш, атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш имконини беради.Кўплаб ёшларни иш билан таъминлайди.

— Корхонамиз қурилишига ҳам юртбошимизнинг хорижга сафарида асос солинган эди, - деди оператор Дилшод БОТИРОВ. - Президент Жанубий Кореяга борганида ДЭУ корпорацияси корхоналарида тайёрланаётган автомобиллар кам ёнилғи сарфлаши, хушбичимлиги, замонавий кўринишга эга эканлиги унинг эътиборини тортган. Кореяликларнинг чаққон ҳаракатларини кўриб, ўзбекистонлик йигитлар ҳам шундай машиналар яратишини орзу қилган. Давлатнинг қўллаб-қувватлаши ва халқимизнинг тинимсиз меҳнати туфайли қисқа вақтда кўриб турганингиздай улкан корхона қурилиб, ишга туширилди.

— Мен Асака яқинидаги Дастурхончи қишлоғиданман. Уч-тўрт йил муқаддам мана бундай заводда ишлайман, деб ўйламаган эдим. Худога шукур, мустақиллик бўлиб, янги улкан корхоналар қурилди. Бу ерда ишлаш жуда гаштли. Чунки, қилаётган ишингдан кўнглинг тўлади. Бирор кунинг ҳам самарасиз ўтмайди. Тайёр маҳсулотлар майдонига ўтдингизми? «Тико», «Дамас», «Нексиа», «Сиела» каби машиналарнинг беш юздан зиёди чиройли саф тортган. Завод расман очилганидан кейин уларни сотишни бошлаймиз. Яқин бир-икки йил ичида мамлакатимизни, Марказий Осиёни, ҳатто хорижий давлатларни ҳам мустақил юртимизда яратилган машиналар эгаллашига ишонамиз.

Ўзбекистонда янги автомобиль саноатининг пайдо бўлиши Президентнинг фақат битта мамлакатга ташрифидан сўнг амалга оширилган кўплаб ишларнинг бири. Италия, Америкага қилинган сафарлар эса бундан да самарали бўлди. Демак, у баракали бўлишига, у юртимиз келажагига хизмат қилишига ишонамиз.

Оператор **Хурсанд ОТАХОНОВ** ҳам асли қишлоқ йигити. У гидромелиорация техникумини битиргач, қурилиш ташкилотларида ишлаган, ёши 24 да. Икки йилдан буён мазкур корхонада ишлайди..

— «УзДЭУавто» менинг кўз ўнгимда тикланди, — дейди Хурсанд. — Унинг қурилиши тарихига оид ҳар бир воқеани, дастлабки автомобил қандай йиғилгани, ўшандаги шодликларимизни бир умр ёдимдан чиқармайман. Мен ҳам тенгдошларим қатори Кореяга бориб ўқидим, бир нечa ой ишлаб келдим. Бизнинг қишлоғимиздан Кореягача 12 минг километр. Илгари уйимдан бошқа жойга бормаган эдим. Ўзбекистон мустақил бўлгач, бизга ўхшаган қишлоқ йигитларининг ҳам омади чопди.

Бахтимиз бор экан, мустақил давлатимиз истиқлолини ўз қўлимиз, пешона теримиз эвазига мустаҳкамлаяпмиз.

Кореяда ишлаб юрганимизда ўзбекистонлик ва хорижлик ишчилар ўртасида катта фарқ борлигини билган эдим. У ерда ишсиз ўтирган бирорта одамни кўрмайсиз. Ишхонага кирдингми, ҳар қандай муаммони, ҳар қандай масалани, шахсий кайфиятингни бир четга йиғиштириб қўясан. Фақатгина қандай қилсам, тез, сифатли ишлайман, деб ўйлайсан. Иш конвейир усулида олиб борилади. Бир кишининг салгина ландавурлиги ёки ишга совуққонлиги туфайли бригадагина эмас, ҳатто бутун бошли заводнинг иши тўхтаб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳамма ўз ишини масъулият билан бажаришга ҳаракат қилади. Кореяда биз ана шундай ишлашни ўрганишга ҳаракат қилдик.

Президентимизнинг Италия ва Америкага сафари ҳақидаги телекўрсатувлар ёки газетада берилган мақолаларни ўқиб, жаҳоннинг қудратли мамлакатлари бошлиқлари И. Каримов юритаётган сиёсатни қўлаб-қувватлашаётганидан, бизга ишониб сармоялар ажратаётганидан беҳад хурсанд бўлдик.

Мамлакатимизда газ заҳиралари 2 триллион кубометр, кўмир заҳираси 2 триллион тоннадан зиёд, нефть ва газ заҳираларимизнинг умумий қиймати 1 триллион доллардан ортиқ баҳоланаркан. Илгари бундай рақамларни билмасдик. Демак, бу бойликларни худо берди, деб исроф қилмаслик, аксинча уни расамади билан ишлатиш учун хориждан янги технологияларни, жиҳозларни олиб келиб ўрнатиш керак.

Президентимизнинг ҳар бир сафари худди шундай самарали бўлиб қолишига ишонаман. Биз ишчилар эса давлатимиз белгилаб берган йўл-йўриқлар, режаларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашимиз керак. Ахир, юртимизнинг бойликлари собиқ Иттифоқ даврида бўлганидек, кимларнингдир роҳат-фароғати учун ёки қайсидир мамлакатларни бир-бирига уруштириб қўйиш учун эмас, балки ўз юртимизнинг гуллаб-яшнаши учун сарфланаётганини унутмаслигимиз керак.

**А. ФОЗИЛОВ.**

## ШОИР БИЛАН УЧРАШУВ

*Куни кеча Республика прокуратурасида Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шоири Абдулла Орипов билан учрашув бўлди.*

*Абдулла Орипов Ўзбекистон делегацияси Америка Қўшма Штатларида бўлган чоғида олган таассуротлари ҳақида сўзлаб берди. Юртбошимизга, унинг ҳамроҳларига у ерда кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром, меҳмондўстлик, шоир қаламига мансуб — Ўзбекистон Давлат мадҳияси янграганидан ғоят ғурурланганини ҳақидаги суҳбатлари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.*

**(ЎзА).**

## «КАМОЛОТ»: ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМЛАР

Бухорода Ўзбекистон Республикаси ёшлари «Камолот» жамғармасининг навбатдаги ҳудудий семинари бўлиб ўтди. Унда ёшлар масалалари билан шуғулланувчи олимлар, фан ва маданият ходимлари иштирок этишди

Ўзбекистон Президенти Фармони билан ташкил топган республика ёшларининг «Камолот» жамғармасининг бош вазифаси ёшларни ҳар томонлама камол топишлари учун шарт-шароитлар яратиш, уларнинг мавжуд имкониятларини Ватанимиз салоҳиятини кўтаришга йўналтиришдир.

Шу нуқтаи назардан Бухорода бўлиб ўтган ҳудудий семинар муҳим аҳамият касб этади. Ушбу семинарда иштирок этган Бухоро, Самарқанд, Навоий вилоятларининг «Камолот» жамғармаси бўлимлари вакиллари ҳам буни алоҳида таъкидлашди. Анжуманда иштирок этган Бухоро вилояти ҳокими М. Раҳмонов семинар иштирокчиларини қутлар экан, бу тадбирнинг аҳамиятга тўхталиб, вилоятда барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар ва уларда ёшларнинг иштирокини ижобий баҳолади.

Семинарда сўзга чиққан, республика ёшлари «Камолот» жамғармаси бошқаруви раисининг биринчи муовини М. Қирғизбоев, Республика Вазирлар Маҳкамасининг хусусийлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўлими катта эксперти В. Ковалев, Республика маънавият ва маърифат маркази бўлими мудири, шоира Т. Содиқова, «Камолот» жамғармаси бошқаруви маслаҳат ва таҳлиллар маркази директори Б. Турсунов, Меҳнат Вазирлиги бошқарма бошлиғи Б. Алимуҳамедов, «Бизнесфонд»нинг вилоят бўлими раҳбари И. Норов ҳамда «Махалла» жамғармаси вилоят бўлими мудири Ф. Умаровлар ҳам «Камолот» жамғармасининг асл мақсади ёшларни республикамизнинг иқтисодий тараққиёти йўлида иштироки учун шарт-шароитлар яратишдир, деб таъкидлашди.

Семинар якунлангач, биз иштирокчилар билан суҳбатлашдик.

— Биз ёшлар камолоти масаласи ҳақида сўз юритар эканмиз, — дейди «Камолот» жамғармаси Бухоро тумани бўлими раиси Садриддин Шаропов, асосий эътиборни ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида ёшлар ўртасида тадбиркорлик ва ишбилармонликни ривожлантиришга қаратишимиз керак. Бугун кўплаб ёшлар ўзларини бозорга уришмоқда. Тадбиркорлик деганда фақат чайқовчиликни тушуниш нотўғри.

— Биз ҳозир тадбиркорликни ривожлантириш, ёшларнинг компьютер саводхонлигини ошириш ва чет тилларни ўрганишлари учун шарт-шароитлар яратиш борасида мақсадли дастурлар устида иш олиб боряпмиз, — дейди «Камолот» жамғармаси Ромитон тумани бўлими раиси Санъат Ҳикматов, — бугунги тараққиётимиз гарови ҳам ана шу масалаларнинг ечимида деб биламан.

Семинар якунланди.

Келажакдаги ишлар режалаштириб олинди. Энг асосийси семинарда ёшлар муаммолари рўй-рост айтилди. Семинарда айрим ёшларни турли нотўғри йўллардан қайтариш, биринчи навбатда уларни «иш билан таъминлашда» деган фикрлар айтилди. Бунинг учун ҳар бир туманда янги иш жойларини ташкил қилиш кераклиги уқтириб ўтилди.

Энди «Камолот»нинг туман ва шаҳар бўлимлари ташаббусни қўлга олишлари керак. Энг асосийси ёшларнинг қалбига кириб бориш лозим. Ана шундагина муаммолар ҳал бўлади.

**Р. ЙЎЛДОШЕВА.**

## САРА ДОН УЧУН

*Самарқанд вилоятининг шимолий минтақасида жойлашган Тойлоқ тумани деҳқонлари республика ғалла хирмонига 14 минг тонна сара дон топширишни режалаштирганлар.*

*Тумандаги Улуғбек номидаги жамоа хўжалиги уруғчиликка ихтисослашган. Мана шу хўжаликда Самарқанд қишлоқ олийгоҳи ўқитувчиси, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Тўрақул Хўжақулов раҳбарлигида «Дон» агрофирмаси ташкил этилган бўлиб, бу ерда сара уруғлик дон етиштириш йўлга қўйилган. Ўтган йили улар ҳар гектар майдондан 45 центнердан ҳосил кўтаришган эди. Бу йил эса ғаллакорлар гектаридан 50 центнердан хирмон уйишни мўлжаллашмоқда.*



**СУРАТДА: пайвандчи Ҳасан Холов бузилган комбайнларни ўз вақтида созлаш учун доим тайёр турибди.**

**Сураткаш: Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА).**

## ТАБИАТ ҚЎЙНИДА

Ҳар фаслнинг ўз ҳислати, ўз фазилати бор. Аммо... Ёз фасли барибир бўлакча-да. Айниқса, ёзда мактабдан таътилга чиққан болалар табиат қўйнида, турли оромгоҳларда роса яйрашади.

Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги Агрохизмат уюшмасига қарашли «Дўстлик» номли болалар оромгоҳи бу йил ҳам ҳар йилгидек гавжум. Оромгоҳ маъмурияти томонидан келажагимиз эгалари бўлмиш ўқувчи-ёшлар кўнгилли дам олиши учун барча шарт-шароит яратилган. Бу ерда мавсум давомида 900 нафар ёш хордиқ чиқариш имкониятига эга.

— Мамлакатимизда «Соғлом авлод учун» шиори остида олиб борилаётган амалий ишларга бугун ҳеч ким бефарқ бўлмаслиги керак, — дейди оромгоҳ бошлиғи Ҳаким Авлоқулов. — Биз ўқувчиларнинг оромгоҳимизда кечган кунлари ҳаётларининг энг гўзал онлари бўлиб қолиши учун қўлимиздан келган барча тадбирни қўллаяпмиз...

Ҳа, бу сўзларнинг нечоғли самимий ва рост эканлигини болажонларимизнинг бахтиёр чеҳраси, шодон кулгуси ошкор этиб турарди.

**Зиёда АМИНОВА.**

## САҲНАДА СУМБУЛ СОЧЛИ ҚИЗЛАР

Ана шунақа. Сурхондарё вилоятининг Денов шаҳар хотин-қизлар қўмитаси шаҳар маданият уйи билан ҳамкорликда «Сумбул сочли қизлар» кўрик-танлови ўтказди. Унда шаҳардаги ҳунар-техника билим юрти ва шаҳар мактаблари ўқувчилари қатнашдилар. Тўртта гуруҳнинг ҳар бирида 5 нафардан оқила, ўткир зеҳнли, лобар қизлар иштирок этишди. Қизлар ҳадислар айтишуви, қизлар нафосати ва бошқа эркин мавзулар бўйича беллашдилар.

Танловда Денов шаҳар билим юртининг «Мажнунтол», Охунбобоев номли 2-ўрта мактабнинг «Нафосат» гуруҳлари ғолибликни қўлга киритишди. Тадбирда эл суйган шоира Турсуной Содиқова иштирок этди. Шаҳар хайрия жамғармаси томонидан совғалар ташкил этилиб, уни ғолибларга шаҳар ҳокими Абдуолим Бўриев топширди.

**Муҳтасархон КАРИМОВА.**

## ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1996 йил 9 июлда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклари иштирок этди.

Сотув ҳажми 28,04 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати 38,00 сўм даражасида қайд этилди.

Ваколатли банклар эркин муомаладаги нақд валютани айирбошлаш шохобчалари орқали сотишда уларнинг сотиш ва харид қилиш қийматини талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайдилар. Валютани аҳолидан сотиб олишда воситачилик ҳақи олинмайди.

